



“ 27 ” *март* 2019 *у* № 10

**Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш
бўйича интервьюерлар учун қўлланмани
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек уй хўжаликларида танлама кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 9-сон “Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу қарор тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлиги даражасини ўрганиш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан уй хўжаликларида танлама усулда кузатувлар ўтказилади.

Жаҳон Банкнинг тавсиялари ҳамда техник кўмаги асосида, 2000 йилдан бошлаб, Европа статистика комиссияси (Евростат) томонидан ишлаб чиқилган ва Европа иттифоқига кирувчи қатор мамлакатларда қўлланиладиган, уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича такомиллаштирилган услубиятдан фойдаланилади.

Мазкур қўлланмада шунингдек, Халқаро электроалоқа иттифоқининг Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва улардан уй хўжаликлари ва алоҳида шахслар томонидан фойдаланиши бўйича қўлланмасига (2014 йилдаги нашри), БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БМТБТТ) Туризм статистикаси бўйича 2008 йилда тайёрланган халқаро тавсияларига асосланган таърифлар ва тавсиялар келтирилган.

Уй хўжаликларида ўтказилган кузатувлар натижалари асосида, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар шакллантирилади. Шунингдек, кузатувлар натижалари, аҳолининг кам таъминланганлик кўрсаткичларини ва истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда фойдаланилади.

1. Умумий қоидалар

1. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубиятини, кузатув саволномаларини ва танлов услубини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Худудий статистика бошқармалари уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров ҳужжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва маълумотлар базасини электрон кўринишда тақдим этиш ишларини амалга оширадilar.

2. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:

уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;